

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг коррупция
фактларига доир мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги
2025-йил якуни бўйича
ҲИСОБОТ**

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида "Коррупцияга қарши курашиш" бўлими ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қонунлари ва Қонун ости ҳужжатлари асосида олиб бормокда.

2025-йил давомида бўлим томонидан вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Вазирлик тизимида коррупцияга оид хабарларни қабул қилиш мақсадида Facebook ижтимоий тармоғидаги алоқа канали, телеграм бот канали, электрон почта, расмий веб-сайтдаги алоқа канали ҳамда ишонч телефонлари ташкил этилиб, кенг аҳоли ва жамоатчиликка етказиш мақсадида вазирликнинг расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилинган.

Ҳисобот даврида вазирликка юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳамда коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали ходимларнинг хатти-харакатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисида жами **40 та** хабар ва мурожаатлар келиб тушган.

Коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари ҳамда марказий аппаратга келиб тушган **40 та** хабар ва мурожаатлар таҳлил қилинганда, шундан **1 таси** ишонч телефони, **3 таси** телеграм ботга ва вазирликка тўғридан тўғри **36 та** мурожаатлар келиб тушган.

Ҳисобот даврига **1 та** ҳолатда коррупция фактлари ҳақида аноним мурожаат келиб тушган бўлиб, кўриб чиқиш натижалари бўйича келтирилган коррупцион фактлар ўз тасдиғини топмаган.


Бундан ташқари **1 та** мурожаат манфаатлар тўқнашуви ҳолатини келтириб чиқуви мурожаат келиб тушган бўлиб, кўриб чиқиш натижалари бўйича келтирилган вазирликнинг ҳисоботида коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан мурожаатларнинг қисман топмаган.

Шунингдек яна бир мурожаат вазирлик ходимининг коррупцияга мойиллиги ҳақида келиб тушган бўлиб, ўрганиш жараёнида ўз тасдиғини топмаган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан бўлим ҳамда вазирлик тизимида масъул ходимлари томонидан вилоятнинг барча туман Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари бошлиқлари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, юқорида қайд этилган ҳолатлар атрофлича муҳокама қилиниб, мазкур ҳолат келгусида такрорланмаслиги юзасидан қатъий оғохлантириш берилди.

Коррупция фактларига доир келиб тушган мурожаатлардан келиб чиқиб коррупцион хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича бир қатор чора тадбирлар белгиланиб барча ҳудудларда ижроси амалга оширилмокда.

**Коррупцияга қарши курашиш
бўлими бошлиғи**



Ж.Файзиев